VI.КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13491 тани ташкил қилди.

2019 йил январь-мартида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 43,0 фоизи (2018 йил январь-мартида 40,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 490,1 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 16,9 фоизи) ташкил этди;

- 662,0 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 3,4 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 96,1 фоизи) ташкил қилди;

- 425,7 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 32,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 97,1 фоизни ташкил этди;

- 498,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 88,5 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 4,1 фоизга кўпайди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 1,9 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 88,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,5 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 85,4 фоизи ёки 960,7 млрд. сўми (ўсиш 0,6 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 54,2 фоизи ёки 664,7 млрд. сўми (ўсиш 6,0 фоиз) шакллантирилди;

- 13,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 13,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 56,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 71,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	*кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида*
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	662,0	96,1
Саноат	490,1	16,9
Қурилиш	498,5	88,5
Чакана савдо	960,7	84,5
Юк ташиш, *млнтн.*	3,5	83,5
Йўловчи ташиш, *млн.киши*	29,3	97,3
Экспорт, *млн. АҚШ долл.*	13,6	13,4
Импорт, *млн. АҚШ долл.*	56,0	71,5

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



2019 йил январь-март ойларида 1280 та кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (584 та) 2,1 марта ўсди.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо тармоғида (барча рўйхатдан ўтганларнинг 39,8 %), саноат (19,1 %), қурилиш (17,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (8,8 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (5,4 %) ҳамда ташиш ва сақлаш (2,3 %) иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган.

2019 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



2019 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми



2019 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан чакана товар айланмаси ҳажмида Нукус шаҳри (197,4 млрд. сўм), Беруний (106,5 млрд. сўм) ва Хўжайли (92,7 млрд. сўм) туманлари етакчилик қилмоқда.

2019 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да хизмат кўрсатиш ҳажми ва ўсиш суръатлари



2019 йилнинг январь-март ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши 43,0 фоизни ташкил қилиб, 2018 йилнинг мос даврига (40,7) нисбатан 2,3 фоизли пунктга ўсди.

Саноат ишлаб чиқариш соҳасининг юқори улуши Шуманай (жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши (100,0%), Қораўзак (99,9 %), Тахтакўпир (99,9 %), Нукус (99,9) ва Чимбой (93,6 %) туманларига тўғри келади.

Хизматлар соҳасида туман бўйича жами хизмат кўрсатиш ҳажмида кичик тадбиркорликнинг юқори улушлари Шуманай (жами хизматлар ҳажмига нисбатан улуши 97,8 %), Қораўзак (97,6 %), Нукус (97,0 %), Тахтакўпир (96,8 %), Беруний (97,0 %), Кегейли (96,6 %) ва Амударё (96,2 %) туманларига тўғри келди.

Қурилишда Беруний, Мўйноқ, Чимбой, ва Нукус туманлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми қурилиш ишлари умумий ҳажмига нисбатан 100 фоизни ташкил этди.

2019 йил I чорак учун иқтисодий вазиятни баҳолаш,
фоиз ҳисобида



Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан 2019 йил I чорак якунларига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича янгидан ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, респондентларнинг 25,8 фоизи иқтисодий вазиятни қулай, 72,2 фоизи қониқарли ва 2,1 фоизи қониқарсиз деб баҳолаши кузатилди.

Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳоланаётганлигини хулоса қилиш мумкин.